

**Транспорт назорати инспексияси бошлиғи томонидан
инспекция ходимлари ва жамоатчиликка
МУРОЖААТИ**

**Ассалому алайкум, ҳурматли ҳамкаслар ва жамоатчилик
вакиллари !**

Мамлакатимизда коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамиятнинг барча соҳаларида коррупсион ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли испоҳотлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “**Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонуни ва қатор Фармон, Қарорлар қабул қилиниб, коррупсияни олдини олиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Коррупсияга қарши курашиш бўйича **Миллий кенгаш йиғилишида Давлатимиз раҳбари ўз нутқида коррупсия - испоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади**.

Фикри тоза, коррупсияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини сингдириш, уларнинг ташабbusларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг жамоатчиликка мурожаатида **коррупсияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждан иши эканлиги таъкидлаб ўтилди**.

Умуман, илк маротаба бундай тарзда йиғилиш ўтказилиши коррупсияга қарши кучли сиёсий иродани намоён этди. Давлатимиз раҳбари **55 та** аниқ мақсадга йўналтирилган ташабbusларни илгари сурди.

Улар доирасида **5 та Қонун, 12 та фармон** ва қарорлар ишлаб чиқилади. Коррупсияга қарши курашишда Парламент, Миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилади.

Транспорт назорати инспексиямиз тизимида ҳам коррупсиявий ҳолатларни олдини олиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, Инспекция марказий аппаратида коррупсияга қарши курашиш бўйича масъул ходим фаолият кўрсатмоқда. Коррупсияга қарши

курашиш бўйича **Сҳора-тадбирлар дастури ва коррупсиявий хавф-хатарлар харитаси** тасдиқланиб, устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Инспекциянинг коррупсияга қарши курашиш бўйича **Сиёсати**, коррупсиявий хавф-хатарларни баҳолаш **Услубиёти**, манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича **Низом**, алоқа каналлари орқали коррупсиявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш **Регламенти**, этика ва коррупсияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича, контрагентларни текширишга оид ва ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича **Йўриқномалар**, Коррупсияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш **Услубиёти**, коррупсияга қарши куаш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича **Низом** ҳамда коррупсиявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича **Регламенти** бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-декабрдаги “Коррупсияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупсияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги **829-сон қарорига** мувофиқ **Инспекцияда коррупсия ҳақида хабар берган шахсларни раг‘батлантириш тартиби жорий этилди**.

Инспекциянинг 2024-йил 9-февралдаги “Ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги **62-К-сон** буйруғига муофиқ **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда** эълон қилинган **мустақил, очик танлов асосида** ишга қабул қилиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Инспекцияда ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаларига коррупсияга қарши курашиш бўйича шартлар киритилди.

Бундан ташқари, соҳани рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш бўйича тизимда барча йўналишдаги фунфсияларни босқичма-босқич **рақамлаштириш давом этмоқда**. Бу каби ишларимиз бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Инспекциямизни коррупсиясиз соҳага айлантириш учун барча куч ва имкониятлар мавжуд ва биз улардан фойдаланамиз.

Ҳурматли ҳамкаслар !

Транспорт назорати инспексияси тизими ходими деган юксак шарафли мақом эгаси сифатида шубҳа уйғотувчи ҳаракатлар, сўзлардан тийилишимиз, ҳамма жойда юриш-туришимиз, ҳаракатларимиз билан бошқа давлат хизматчиларига ва оила аъзоларимизга намуна бўлишимиз зарур.

Шундай экан Инспекция тизимидағи барча ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда:

- * Инспекциянинг коррупсияга қарши курашиш сиёсатига амал қилиши ҳамда унинг тамойиллари ва талабларига қатъий риоя этишлари керак;
- * коррупсия билан боғлиқ ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларда иштирок этиши тақиқланади;
- * ходимлар уларни коррупсия билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупсияга оид қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида ўз раҳбарларига ва Инспекциянинг коррупсияга қарши курашиш бўйича масъул ходимига хабар беришлари шарт;
- * бевосита раҳбари ёки масъул шахсни манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли ҳақида хабардор қилиши лозим.

Ҳар биримиз ўз ишимида ҳалол ва вижданан ёндашсак, албатта олдимизга қўйилган мақсадларга эришамиз.

Инспекция тизимида фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим ҳар қандай коррупсиявий ҳолат учун жазо муқаррарлигини ва кечирилмаслигини билиши шарт!

Ҳурматли фуқаролар ва жамоатчилик вакиллари!

Транспорт назорати инспексиясини “коррупсиясиз соҳа”га айлантиришда жамоатчилик вакиллари ҳамда фуқароларимиз роли алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли Инспекция тизимида коррупсияга қарши курашиш бўйича Сизларни ҳамкорликка чақириб қоламиз.

Тизимдаги коррупсиявий ҳолатлар юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар учун Инспекциянинг электрон почта манзили: антикоррупция@узтн.уз, телеграмдаги расмий саҳифаси: [хттп://т.me/Узтрансназорат](http://т.me/Узтрансназорат), телеграм бот: [@антисоррупцион_узтн_бот](https://t.me/антисоррупцион_узтн_бот) ҳамда мурожаат қилиш учун телефон

рақам:

71-202-05-01 (515) ишга туширилган.

Агар Сиз коррупсиявий ҳолатларга дуч келсангиз ушбу алоқа воситалари орқали бизга мурожаат қилишингиз сўралади.

Барча ахборотлар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши кафолатланади.

Ҳурмат билан,

**Транспорт
инспекцияси
Ж.А. Каримов.**

**назорати
бошлиги**